

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

БЕГИБАЕВА НИЛУФАР ДЖУРАХАНОВНА

ОНЛАЙН РЕСУРСЛАРДАН ФОЙДАЛАНГАН ҲОЛДА МАКТАБ
ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ ЁЗМА НУТҚ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(инглиз тили мисолида)

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (инглиз тили)

педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

УДК: 37.011.3-051:003.3:811.111

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Бегибаева Нилуфар Джурахановна

Онлайн ресурслардан фойдаланган ҳолда мактаб ўқитувчиларининг ёзма
нутқ компетенциясини такомиллаштириш (инглиз тили мисолида) 3

Бегибаева Нилуфар Джурахановна

Совершенствование письменной речевой компетенции учителей школ
с помощью онлайн ресурсов (на примере английского языка) 25

Nilufar Djurakhanovna Begibaeva

Improving the Written Speech Competence of School Teachers with the Help of
Online Resources (using the Example of the English Language) 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 52

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

БЕГИБАЕВА НИЛУФАР ДЖУРАХАНОВНА

ОНЛАЙН РЕСУРСЛАРДАН ФОЙДАЛАНГАН ҲОЛДА МАКТАБ
ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ ЁЗМА НУТҚ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(инглиз тили мисолида)

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (инглиз тили)

педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестацияси комиссиясида В2021.3.PhD/Ped2720 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.uzswlu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим портали (www.ziyonet.uz) манзилларида жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Бакиева Гуландом Хисамовна
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Тухтасинов Илҳом Мадаминович
педагогика фанлари доктори, профессор

Рашидова Феруза Мусаевна
педагогика фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Нукус давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил «__» _____ куни соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 21 а уй. Тел: (99871) 230-12-91; факс: (99871) 230-12-92; e-mail: uzswlu_info@mail.ru).

Диссертация билан Ўзбекистон жаҳон тиллари университети Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 21 а уй. Тел: (99871) 230-12-91; факс: (99871) 230-12-92; e-mail: uzswlu_info@mail.ru).

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2022 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Х. Д. Палуанова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси в.б., филол.ф.д., профессор

Х. Б. Самигова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д., доцент

Л. Т. Ахмедова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, пед.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда глобаллашув ва ахборот-коммуникация технологияларининг жадал ривожланиши истисносиз барча мутахассисларга янги талаблар қўйгани каби мактаб ўқитувчиларининг ҳам ўқувчилар учун асосий маълумот манбаи ва ўқув жараёнининг стимулятори бўлишларини каби алоҳида юқори талаблар қўймоқда. Ёш авлодни ўқитишда инновацион усуллардан фойдаланган ҳолда тараққиётни илгари силжитишга қодир бўлган, ҳар томонлама ривожланган шахсни шакллантиришдек юқори масъулият айнан мактаб ўқитувчисининг зиммасида ётади. Ахборот-коммуникация технологиялари шароитида жаҳон тажрибаси асосида таълим жараёнига ўқитишнинг илғор усулларини ҳамда охирги илмий-техникавий ютуқларини жорий этган ҳолда педагогларнинг билим, кўникма ва малакаларини ошириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Дунё миқёсида ёш авлодни тарбиялаш ва ўқитиш масалалари стратегик масала сифатида баҳоланади ва бунда, шубҳасиз, ўқитувчининг ўрни беқиёс, глобаллашган дунёда ўқитувчининг ҳам предметнинг билишига, ҳам ўқитиш усулларига нисбатан қўйиладиган юқори талаблар улар бутун меҳнат фаолияти ва ҳаёти давомида такомиллашиш ва ривожланишга (life-long learning) мажбурлайди. Чет тилларни ўқитишда компетентли ёндашув нуқтаи назаридан педагогларда хорижий тил кўникмаларининг ривожланиш даражасини диагностика қилувчи технологияларни, глобаллашув шароитида инновация жараёнининг педагогик-психологик жиҳатларини илмий асосланган ҳолда такомиллаштиришга, педагогларнинг касбий коммуникатив компетенциясини ривожлантиришга зарурияти пайдо бўлди.

Мамлакатимизда чет тилларни, жумладан, инглиз тилини, ўрганиш долзарб масала ҳисобланади, чунки бу тил аллақачон инглиз тили чет тили бўлган кўплаб мамлакатлар учун лингва франка бўлиб қолган. Ёшларга чет тилларни ўқитиш масаласига жиддий эътибор қаратиш, «бундан буён мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртлари битирувчилари камида иккита чет тилини мукамал билиши шарт»¹ эканлиги ҳақидаги талаб давлат сиёсати даражасида ҳал этилмоқда. Хорижий тажриба асосида чет тил ўқитишни ташкил қилиш, ўқувчиларда лингвистик, стратегик, дискурс, прагматик ва социолингвистик компетенцияларни ривожлантиришнинг меъёрий асослари ва моддий техник базаси яратилган. Шунинг учун мактаб чет тили ўқитувчилари компетенцияларини такомиллаштириш бугунги кунда долзарб масалаларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5712-сон Фармони, 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2021 йил 6 май куни чет тилларини ўқитиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилиши. https://dunyo.info/cyrl/site/inner/ozbekiston_prezidenti_bundan_buion_maktab_litsey_kollezh_va_oliy_oquv_yurti_bitiruvchilari_kamida_ikkita_chet_tilini_mukammal_bilishlari_shart-L8s Мурожаат санаси: 16.01.2022 й.

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1875-сон, 2012 йил 21 мартдаги «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3775-сон, 2021 йил 19 майдаги «Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5117-сон қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги «Умумий ўрта ва ўрта махсус таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 187-сон қарори ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг «Ахборотлашган ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўқитувчиларнинг ёзма нутқ компетенциясини такомиллаштириш муаммолари D. Nunan, J.S. Richards, I. Abushihab, R. Berry, C. Brice & L. Newman, D.B. Brown, U. Connor, S. Darus & K.H. Ching, J. Bruner, G. Dudeney & N. Hockly² каби чет эл олимлари томонидан ўрганилган.

Мазкур мавзуга доир муаммолар, жумладан, таълим жараёнига веб-технологияларни самарали татбиқ қилиш масалалари билан Н.В. Самарина, Т.В. Хильченко, А.В. Васильева, Н.П. Шаталова, О.Г. Горина, Е.Н. Соловова, О.В. Кудряшова³ каби рус олимлари шуғулланган.

² Nunan, D. (1991). *Language Teaching Methodology: A Textbook for Teacher*. Upper Saddle River, NJ: Prentice Hall; Richards, J. (1971). *Error Analysis and Second Language Strategies*; Abushihab, I., El-Omari, A. H., & Tobat, M. (2011). An analysis of written grammatical errors of Arab learners of English as a foreign language at Alzaytoonah Private University of Jordan. *European Journal of Social Sciences*, 20(4), 543-552; Berry, R. (1990). The role of language improvement in in-service teacher training: Killing two birds with one stone. *System*, 18(1), 97-105; Brice, C., & Newman, L. (2000, September). The case against grammar correction in practice: What do students think. In *Symposium on Second Language Writing, Purdue University, West Lafayette, IN*; Brown, D. B. (1994). *Principles of language learning and teaching*. Third edition. New Jersey: Prentice Hall; Connor, U. (1997). Contrastive rhetoric: Implications for teachers of writing in multicultural classrooms. In C. Severino, J. Guerra and J. Butler (Eds.), *Writing in multicultural settings* (pp. 198-208). New York: Modern Language Association of America; Darus, S., & Ching, K. H. (2009). Common errors in written English essays of form one Chinese students: A case study. *European Journal of social sciences*, 10(2), 242-253; Bruner, J. Postmodernism and Constructivism. 1999. <http://curriculum.calstatela.edu/faculty/psparks/theorists/htm>; Gavin Dudeney & Nicky Hockly. *How to teach English with technology*. – England: Pearson Education Limited, 2007. – 194 p.

³ Самарина Н. В. Формирование компетенции иноязычной письменной речи школьников с помощью электронных дидактических средств: дис. – Нижегород. гос. лингвист. ун-т им. НА Добролюбова, 2016; Хильченко Т.В. Организационные формы самостоятельной учебной деятельности студентов по совершенствованию иноязычной письменной речи// Теория и практика развития современного высшего профессионального образования: Междун. науч. конф. – Шадринск, 2006. Ч.2. – С.139-142; Васильева А.В. Методика использования интерактивных форм при развитии устноречевых умений на русском языке как иностранном в условиях краткосрочного обучения (1 сертификационный уровень): дис. ... канд. пед. наук. – Пермь, 2019. – 426 с.; Шаталова Н.П. Азбука конструктивного обучения: монография. – Красноярск: ООО «Научно-инновационный центр», 2011. – 204 с.; Горина О.Г. Использование технологий корпусной лингвистики для развития лексических навыков студентов-регионоведов в профессионально-ориентированном общении на английском языке: Автореф. дис. ... канд. пед. наук. – М., 2014. – 29 с.; Соловова Е.Н. Методика обучения иностранным языкам: базовый курс лекций. Пособие для студентов пед. вузов и учителей/ Соловова Е.Н. – изд. 4-е. – М.: Просвещение, 2006. – 239 с.; Кудряшова О. В.

Мамлакатимизда таълим воситалари, услубий тамойиллар ва топшириқлар типологиясига оид илмий-назарий томонидан Г.Х. Бакиева, Ж.Ж. Жалолов, Т.К. Сатторов, Д.У. Хошимова, Л.Т. Ахмедова, М.Д. Джусупов, Д.Р. Джуманова, И.М. Тўхтасинов⁴ ва бошқалар олимларнинг илмий ишларида ёритилган.

Мамлакатимиз олимлари У.Ш. Бегимқулов, Н.А. Муслимова, Ш.С. Шарипова, М.Б. Уразова ва бошқаларнинг, чет эл олимлари И.Ю. Беликов, Н.Н. Богдан. R. Volitho кабиларнинг ишларида ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлик муаммолари, уларнинг билим олиши ва бутун умри давомида ўз билимларини мустақил ошириш (life-long learning/continuous professional development) масалалари ёритилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг И-204-4-5-сон «Инглиз тили мутахассислик предметларидан ахборот-коммуникацион технологиялари асосида виртуал ресурслар яратиш ва ўқув жараёнига жорий этиш» мавзусидаги инновацион лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади онлайн дидактик ресурслар ёрдамида халқ таълими тизимининг инглиз тили ўқитувчиларининг ёзма нутқ компетенциясини такомиллаштириш автономографик методикасини асослаш ва ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

расмий ҳужжатлар ва тадқиқотчилар ишларда ёзма нутқ компетенцияси контентини таҳлил қилиш;

мактабларининг инглиз тили ўқитувчилари ёзма нутқдаги камчиликларини Grammarly ва SketchEngine корпуси ёрдамида ўз эсселарини таҳлил қилиш орқали аниқлаш ва тадқиқотчилар илмий асарларида ёритган ёзма нутқдаги хатолар типологиясини таҳлил қилиш;

халқ таълими, олий таълим муассасалари тизими ўқитувчилари ва бўлажак ўқитувчиларининг малакасини оширишнинг расмий ва муқобил дастурларини ўрганиб чиқиш, уларни ёзма нутқ компетенциясини

Компетентностный подход к обучению письменной речи как проблема теории и практики обучения иностранным языкам //Вестник Южно-Уральского государственного университета. Серия: Лингвистика. 2007. № 1 (73).

⁴ Bakieva G.Kh., Tukhtasinov I.M. Expressing Stylistic devices in Compound Words // Eastern European Scientific Journal. Ausbage, 3. 2018. P. 49-55. Jalolov J.J. Chet til o'qitish metodikasi: Chet tillar oliy o'quv yurtlari talabalari uchun darslik. – T.: O'qituvchi, 2012. – 413 б.; Сатторов Т.К. Формирование профессиональных умений будущего учителя иностранного языка на практических занятиях по специальности (на материале английского языка): Автореф. дис... д-ра пед. наук. – Т.: 2000. – 32 с.; Хашимова Д.У. Лингводидактические основы изучения лагун в контексте современного функционирования русского языка и межъязыковых взаимодействий: Дисс. ... д-ра. пед. наук. – Т.: 2007. – 209 с.; Ахмедова Л.Т. Теория и практика обучения профессиональной русской речи студентов-филологов. – Т.: Фан ва технология, 2013. – 200 с.; Джусупов М. Русский и английский языки в системе школьного полилингвального образования в Узбекистане // Русский язык за рубежом / специальный выпуск. 2017. – С. 50-57; Джуманова Д.Р. Формирование речевого контроля и умения совершенствовать написанное у студентов национальных групп неязыковых вузов (на материале изложений и сочинений): Автореф. дисс. ... канд. пед. наук. – Т., 1992. – 17 с. Тухтасинов И.М. Таржимон тайёрлашда касбий компетенцияларни эквивалентлик ходисаси асосида ривожлантириш: Пед. фан. докт. ... дисс. – Т., 2018. – 242 б.

такомиллаштиришга оид тематик маълумотлар мавжудлиги нутқни назардан таҳлил қилиш;

TESOL, Британия Кенгаши томонидан инглиз тили ўқитувчилари учун таклиф этилган стандартлар моделлари ва Ўзбекистонда ўқитувчининг иш фаолияти ва ҳаёти давомида мустақил билим олишни амалга ошириши ва ўрганишини ҳисобга олган ҳолда инглиз тили ўқитувчилари учун яратилган стандартларни ўрганиш ҳамда ўқитувчиларни автоном тайёрлаш асосида ёзма нутқни ривожлантириш ва такомиллаштиришга ёрдам берадиган мезонларни аниқлаш;

ўрта мактаб ўқитувчиларининг ёзувдаги хатолар турларига нисбатан ёзма нутқни ривожлантирувчи онлайн дидактик ресурслардан фойдаланиш имкониятларини аниқлаш ва таҳлил қилиш;

ўқитувчиларнинг ёзма нутқ компетенциясини такомиллаштириш ва автоном таълимни ривожлантириш методикасини ишлаб чиқиш;

онлайн ресурслар ёрдамида ёзма нутқ компетенциясини такомиллаштириш бўйича топшириқлар тизимини ишлаб чиқиш;

педагогик тажриба-синов ишларини олиб бориш ва услубий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида халқ таълими тизимидаги умумтаълим мактабларда инглиз тили ўқитувчиларининг ёзма нутқини онлайн ресурслар ёрдамида такомиллаштириш жараёни танланган.

Тадқиқотнинг предмети ёзма нутқ компетенциясини ошириш жараёнини оптималлаштириш мақсадида онлайн ресурслардан фойдаланган ҳолда умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг малакасини ошириш курслари учун автономграфик методикаси ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация адекват ҳолатда ўрганишни таъминлашга қаратилган назарий (таҳлилий-статистик, қиёсий таққослаш, аналогия, моделлаштириш), диагностик (сўровлар, суҳбат, сўровнома, кузатиш, лойиҳалаштирилган методикалар), педагогик эксперимент ва математик (маълумотларни статистик қайта ишлаш, натижаларни график тасвирлаш ва бошқалар) методлар мажмуидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

умумий ўрта таълим мактабларининг инглиз тили ўқитувчилари ёзма нутқдаги хатоликлар типологияси лексик, грамматик ва контекстуал хатолар, шунингдек, тегишли регистр, услуб ва жанрлардан фойдаланиш муаммоларини бартараф этиш имконини берувчи Grammarly, Write&Improve ва SketchEngine корпуси ёрдамида аниқланган;

мактабларнинг инглиз тили ўқитувчилари малакасини ошириш курслари дастурлари инглиз тилида ёзув компетенциясини ўзлаштиришнинг методик назариясининг лингводидактик таъминоти ёзма нутқдаги типик хатоларни ҳисобга оладиган ва ёзма нутқ компетенциясининг ҳар бир компонентини ривожлантиришга йўналтирилган мавзули контентларни киритиш орқали такомиллаштирилган;

инглиз тили ўқитувчилари учун яратилган стандартлар асосида ўқитувчиларни автоном аспектда ёзма нутқини ривожлантиришда

аниқланган хатолар типологиясини Венн диаграммаси асосида ёзма нутқ компетенциялари билан корреляция қилиш механизмининг хатоларни минималлаштиришдаги самарадорлиги исботланган;

умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиларининг ёзувдаги хатолар турларига нисбатан ёзма нутқни ривожлантирувчи автономографик методикасини ишлаб чиқиш орқали ўқитувчиларнинг онлайн Writing Improvement Toolkit ресурси асосида ёзма нутқ компетенциясини такомиллаштиришда спектрли топшириқлар тизимини яратишга қаратилган амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

умумтаълим мактаблари инглиз тили ўқитувчилари учун «Онлайн малака ошириш» курслар дастурлари ва материаллари сўровнома жараёнида ўрганилган эҳтиёжлар асосида яратилган;

инглиз тили ўқитувчиларининг малакасини ошириш курслари учун тренинг материаллари ишлаб чиқилган, шунингдек, касбий қўллаб-қувватлаш тизимининг услубий-дидактик имкониятларини кенгайтириш ва мактабларда инглиз тили ўқитувчиларининг малакасини ошириш мақсадида ёш ўқитувчилар учун “Lesson Planning and Management Trainee’s Guidebook” ўқув қўлланмаси ишлаб чиқилган;

ўқитувчилар учун “Lesson Planning and Management Trainer’s Guidebook” ўқув қўлланмаси ишлаб чиқилган;

ўқитувчилар учун “Handbook of Formative Assessment Practices” тренинг материаллари коллекцияси қўлланмаси нашр этилган;

муаллиф томонидан ишлаб чиқилган умумтаълим мактаблари инглиз тили ўқитувчилари ёзма нутқини такомиллаштириш модели ҳақидаги видеодарслар туркуми халқ таълими тизими ўқитувчиларининг малакасини ошириш курслари учун мўлжалланган телекўрсатувда намойиш этилган;

онлайн ресурслардан фойдаланиш қўлланмаси, видеодарслар ва топшириқлар тизими яратилган “Writing Improvement Toolkit” вебсайтига жойлаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги унда фойдаланилган ёндашувлар, усуллар ва назарий маълумотлар ишончли манбалардан олинганлиги; олиб борилган тажриба-синов ишларининг статистик таҳлили; хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги; олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан таъминланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти халқ таълими тизими инглиз тили ўқитувчиларининг ёзма нутқни такомиллаштиришни ўқитувчининг автоном фаолияти шароитида онлайн дидактик манбалардан фойдаланиш асосида амалга ошириш; катта ёшдаги ўрганувчининг психологик хусусиятлари ва мустақил билим олиши, шунингдек илғор ўрганувчиларнинг (advanced learner) ёзма нутқдаги хатоларга эътибор беришини ҳисобга олган ҳолда ёзма нутқни ривожлантириш тизимини яратиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти унда ишлаб чиқилган ёзма нутқни ривожлантириш методикаси, яқуний хулосалар, услубий тавсиялар,

филологик ўқув юртлари бакалавриатида бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлашда Reading and Writing модулини ўқитишнинг мақсад ва мазмунини тўғри шакллантириш ҳамда контентни видео ва топшириқлар тизими орқали етказиш усулларида бошқа чет тилларни ўқитишда кенг фойдаланиш мумкинлиги; тадқиқот материалларидан Reading and Writing модули дастурларини яратишда, олий ва ўрта махсус таълим ҳамда халқ таълими тизими ўқитувчилари учун малака ошириш курслари дастурларини яратишда, ушбу йўналишда дарслик ва ўқув қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мактаб ўқитувчиларининг чет тили ёзма нутқини такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган назарий-методологик ва амалий натижалар асосида:

умумтаълим мактабларининг инглиз тили ўқитувчилари ёзма нутқидаги хатоликлар Grammarly ва SketchEngine корпуси ёрдамида ўз эсселарини таҳлил қилиш, Ўзбекистон умумий ўрта таълим мактаблари инглиз тили ўқитувчиларига хос хатолар типологияси яратилганлигига оид илмий хулосалардан умумтаълим мактабларининг инглиз тили ўқитувчи ва мураббийлари учун махсус курслар каскадли тренинглари дастури ва ўқув-услубий материаллар яратишда фойдаланилган (Авлоний номидаги халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакани ошириш институтининг 2020 йил 19 ноябрдаги 01/09 840-сон маълумотномаси). Натижада Grammarly, Write&Improve мустақил билим олиш ресурслари ва MOOCs (Massive Open Online Courses) онлайн курсларидан фойдаланиш орқали инглиз тили тили ўқитувчилари ёзма нутқининг такомиллашувига эришилган;

Ўзбекистон умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг малакасини ошириш дастурларини ишлаб чиқиш ва ўқитувчиларнинг ёзма нутқида учрайдиган типик хатоларга оид тематик маълумотларни инглиз тилида чет тили ёзувини ўзлаштиришнинг методик назариясини лингводидактик таҳлил қилиш асосида аниқлашга оид илмий тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги хузуридаги Ахборот-коммуникацион технологияларни ривожлантириш марказида «Таълим сифати ва мазмунининг мониторингини олиб бориш мақсадида ўқувчилар фаолиятини идентификация қилувчи ва хронологик ҳаракатни ёзувчи марказлашган тест тизимини жорий этиш» лойиҳаси доирасида фойдаланилган (Халқ таълими соҳасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш марказининг 2020 йил 30 ноябрдаги 02/6 249-сон маълумотномаси). Натижада тил ўрганувчиларнинг чет тилидаги коммуникатив компетенцияси, хусусан, ёзма нутқ маҳоратини ва уларнинг ўз-ўзини баҳолаш кўникмаларини шакллантиришга эришилган;

TESOL, Британия Кенгаши томонидан мактаб ўқитувчилари учун таклиф этилган стандартлар моделлари ва Ўзбекистонда ўқитувчининг иш фаолияти ва ҳаёти давомида мустақил билим олишни амалга ошириши ва ўрганишини ҳисобга олган ҳолда инглиз тили ўқитувчилари учун яратилган стандартларни аниқлаш ҳамда ўқитувчиларни автоном тайёрлаш асосида ёзма нутқни

ривожлантириш ва такомиллаштиришга ёрдам берадиган мезонлар ишлаб чиқишга оид тавсиялардан Филология ва тилларни ўқитиш (инглиз тили) таълим йўналиши 4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари; 3.1. Коммуникатив тилшунослик ва тил компетенциялари модулини ўқитишда ҳамда 3.3. Тил компетенцияларини баҳолаш механизмлари модуллари бўйича ўқув дастури ва ўқув-услубий мажмуаларни тузишда фойдаланилган (Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги Чет тилларни ўқитишнинг инновацион методикаларини ривожлантириш республика илмий-амалий марказининг 2021 йил 29 майдаги 10-05/83-сон маълумотномаси). Натижада модуллар бўйича яратилган ўқув дастурлари ва ўқув-услубий мажмуалар мазмунан бойитилган;

умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиларининг ёзувдаги хатолар турларига нисбатан ёзма нутқни ривожлантирувчи онлайн дидактик манбалардан фойдаланиш имкониятларини аниқлаш ва мустақил кўриш ва ўрганиш учун ўқитувчиларнинг ёзма нутқ кўникмаларини шакллантириш амалиётига оид вазифаларни ўз ичига олувчи видеодарслар туркуми ишлаб чиқишга доир хулоса ва таклифлардан Британия Кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги Чет тилларни ўқитишнинг инновацион методикаларини ривожлантириш республика илмий-амалий маркази билан ҳамкорликда қисқа малака ошириш курсини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Британия Кенгаши Ўзбекистондаги ваколатхонасининг 2020 йил 29 декабрдаги ОС 21-89-сон маълумотномаси). Натижада қисқа малака ошириш курси материаллари мазмунан бойитилган;

мактаб ўқитувчиларининг чет тили ёзма нутқини такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган назарий-методологик ва амалий натижалардан Эрасмус+ дастурининг ICM, KA-107 - International Credit Mobility between European Union and Uzbekistan HEIs, through staff and student mobility exchange projects between Uzbekistan State University of World Languages and Ruhr University Bochum (Germany) - 2020-1-DE01-KA107-005433- (Европа Иттифоқи ҳамда Ўзбекистон Олий Таълим муассасалари ўртасида халқаро тажриба алмашинуви доирасида Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳамда Бохумдаги Рур университети (Германия) ўртасидаги кредит сафарбарлиги) лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг 2022 йил 12 сентябрдаги IRD/22-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳа доирасида яратилган ўқув қўлланмалар ёзма нутқ компетенциясига оид янги илмий далиллар билан бойитилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 17 та халқаро ва 17 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 52 та илмий иш, жумладан, 3 та ўқув қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 11 та илмий мақола, шундан 10 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 165 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертациянинг долзарблиги ва зарурати муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, объекти, предмети, усуллари ва вазифалари асосланган; олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилинганлиги, апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Онлайн ресурслар ёрдамида чет тили ўқитувчиларининг ёзма нутқ компетенциясини такомиллаштиришнинг назарий асослари»** номли биринчи бобида умумтаълим мактаблари инглиз тили ўқитувчиларининг ёзма нутқ компетенциясини онлайн таълим ресурслари ёрдамида шакллантириш масалалари ўрганилган.

Ёзув ва ёзма нутқ (ЁН) ифоданинг график тизимини ва фикрларни график шаклда ифодалаш жараёнини билдиради, методикада эса улар бир-бирининг ўрнига ишлатилиши мумкин. Чет тили ёзма нутқ (ЧТЁН) компетенцияси – бу билим, малака, кўникма ва стратегиялар ҳамда маданий жиҳатдан тилнинг хусусиятлари ҳақида билимлардан фойдаланган ҳолда ЁН, мулоқотни амалга ошириш қобилияти ва тайёрлиги. ЧТЁН компетенцияси ҳақидаги тушунчамиз юқоридагиларни, ЎР ДТСдаги таълим жараёнига берилган таъриф ва ўқитувчига хос бўлган компетенциянинг зарурий услубий компонентлари интеграциялаш орқали шаклланади (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал.

ЧТ ўқитувчиси ёзма нутқ компетенцияси компонентлари

Ёзма нутқ коммуникатив компетенцияси	Лингвистик компетенция Дискурсив компетенция Прагматик компетенция Стратегик компетенция
	Ижтимоий-маданий компетенция
	Коммуникатив компетенциянинг услубий компонентлари
Ўзини ўзи такомиллаштириш компетенцияси	

Шундай қилиб, бизнинг тушунимизда, инглиз тили ўқитувчисининг ЁН компетенцияси нафақат лингвистик, дискурсив, прагматик, стратегик ва ижтимоий-маданий компетенцияларини, балки ўз-ўзини такомиллаштириш компетенциясини ва коммуникатив компетенциясининг услубий компонентини ҳам ўз ичига олади.

Катта ёшдаги ўрганувчилар ЁНнинг психологик хусусиятларини аниқлаш учун диққат, хотира ва фикрлаш каби жиҳатлари психологик нуқтаи назардан кўриб чиқилди ва шу аниқландики, ёши катта инсонларда беқарор диққат ошади, зиёли инсонларнинг хотираси, кўриш тасвирлар қатнашганда, уларнинг ёшига боғлиқ бўлмаган ҳолда кучлироқ бўлади, уларнинг фикрлаши эса ҳам маълумоти, ўқиши ва меҳнат фаолиятига боғлиқ бўлади. Демак, инсон бутун умри давомида ўзини-ўзи такомиллаштириб бориши ва билимларини бойитиб бориши ўзини оқлайди ва амалга оширилиши мумкин.

Маълумотга эга бўлган катта ёшли инглиз тили ўқитувчилари каби ривожланган коммуникантлар томонидан йўл қўйиладиган хатоларга келсак, ЧТЁНдаги хатолар ҳам тез учраб туради ва тегишли методикни чуқур мулоҳаза қилиб ишлаб чиқишни талаб қилади.

Коммуникант ўзини-ўзи такомиллаштириш қобилияти ривожланган ҳолда, унинг ЧТЁН ривожлантиришга кўмаклашадиган Grammarly, Write&Improve ва Corpus каби учта онлайн ресурс энг самарали восита сифатида танлаб олинган. Агар Grammarly лингвистик хатоликларни аниқлаш учун самарали бўлса, Write&Improve CEFR бўйича тил билиш даражасини аниқлаш индикаторига ва икки томонлама қайта алоқага эга бўлиб, тузилмавий хатоларни бартараф этишда жуда фойдали, Corpus эса юқорида қайд этилган функцияларга қўшимча равишда коммуникатив хатоликларни бартараф этиш воситаларини айтиб бериши ҳамда матнни тушунарлироқ қилиши ва унинг ўқилишини енгиллаштириши мумкин (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал.

Ёзма нутқни такомиллаштиришга мўлжалланган учта онлайн дидактик ресурсларнинг қиёсий таҳлили

Grammarly	Write&Imrpove	Corpus
Орфография қоидалари, артиклар ва бошқа яққол кўриниб турувчи грамматик тузилмалардан фойдаланишни автоматик даражагача кўтаради.	Grammarlyга қўшимча равишда, ёддан чиққан грамматик тузилмаларни эслашга ва уларни амалда қўллашга мажбур қилади. Муайян регистр ва жанрга тегишли ёзувнинг муайян тузилмалари ёзи бўйича амалий кўникмалар беради. Икки томонлама тезкор алоқани таъминлайди, бир неча маротаба таҳрирлаш имконини беради, бизнинг ўқитувчиларимизга осон ва оддий тарзда тақдим қилиш мумкин бўлган CEFR шкаласи бўйича баҳолайди.	Grammarly ва Write&Imrpove да мавжуд бўлган имкониятларга қўшимча тарзда сўз, коннотация ва фразеологизмларнинг қўлланиш қоидаларидан четга чиқиш ҳолатларини кўриш имкониятини беради. Типология энг яқин бўлган гап ва матнларни тузиш имконини беради. Моҳирлик билан фойдаланилса, ёзма нутқни мустақил

		текширишнинг энг самарали воситаси ҳисобланади.
	Ўқитувчилар эътиборини орфография ва шунга ўхшаш бошқа деталларга эмас, балки «умумий манзара»га қаратади, «Writing for Fun» ёзишда эса геймификация элементи ЧТЁН коммуникантини ўзи учун ёзишга янада мотивлаштиради. Нафақат натижани, балки ёзиш жараёнини ҳам назорат қилади, ўз матнини таҳрир қилиш ва тўғрилашни ўргатади.	Ўзини-ўзи рефлексия қилиш ва ўзини-ўзи баҳолаш кўникмаларини ривожлантиради, бу эса пировардда ўзини-ўзи такомиллаштириш компетенциясини ривожлантиради.

ЧТЁНни такомиллаштиришнинг яна бир самарали воситаси МООС (Massive Open Online Course – Массивли очиқ онлайн курслар) бўлиб, у ўзига хос структура, мақсад, вазифа давомийлик ва натижа индикаторларига эга. Улар ЧТЁН муаммосининг бир жиҳатини бартараф этишга қаратилган ва шу устида мунтазам равишда иш олиб боради. Бундан ташқари, улар катта ёшдаги маълумотга эга бўлган коммуникантлар учун жуда мос келади ва нафақат уларнинг билимни шакллантиришга, балки уларни такомиллаштиришга ҳам хизмат қилади. Шунингдек, улар етакчи олий ўқув юртлари профессорлари томонидан тузилганлиги сабабли ишончли ва юқори валидликка эга (1-расмга қаранг).

The MOOC “**Academic Writing Made Easy**” covers the following topics to help you improve your writing:

Week 1 Rhetorical Preferences: Meeting the expectations of your target group

Week 2 Genre: Differentiating between types of scholarly texts

The Writing Process: Overcoming writer's block

Week 3 Cohesion: Making your ideas flow logically

Week 4 Sentences: Writing reader-friendly sentences

Week 5 Credibility: Convincing your peers to accept and believe what you write

Week 6 Punctuation: Polishing your text

Putting it all together: Overcoming the last hurdles

1-расм. МООС орқали ёзма нутқни такомиллаштириш босқичлари.

Диссертациянинг «Онлайн ресурслар ёрдамида ўқитувчиларни ёзма нутқ компетенциясини такомиллаштириш методикаси» деб номланган иккинчи бобида инглиз тили ўқитувчиларни ёзма нутқ кўникмаларини такомиллаштириш моделларни ишлаб чиқиш масаласи кўриб чиқилган.

ЎР ДТСда бакалавриат битирувчиларига нисбатан C1 даражасини эгаллаш талаби қўйилганлигига қарамай, бугунги кунда ўқитувчиларнинг билим даражаси A2 ва B2 оралиғида жойлашгани, 53000 нафар мактаб инглиз тили ўқитувчиларидан фақатгина 4 фоизи C1 даражадаги сертификатга эга.

CEFRда қайд этилган коммуникатив компетенцияларни такомиллаштириш учун амал қилишимиз лозим бўлган ўқитувчининг асосий компетенцияларини такомиллаштириш зарур бўлади (3-жадвалга қаранг).

3-жадвал.

ИТ ўқитувчи ёзма нутқ компетенциялари контенти

Компетенциялар	Уларни ривожлантириш сабаблари
<i>Грамматик (лингвистик)</i>	Самарали коммуникация учун грамматикани аъло даражада билиш лозим
<i>Ижтимоий-лингвистик</i>	Ижтимоий контекстни тушуниш
<i>Дискурсив</i>	Бошқалар айтаётган нарсани тушуниш
<i>Стратегик</i>	Коммуникацияни давом эттириш учун қўлланадиган амалий стратегиялар
<i>Прагматик</i>	Коммуникация мақсадида максимал даражада тил воситаларини оптимал ишлатиш
<i>Ўз-ўзини ривожлантириш компетенцияси</i>	Ҳар томонлама ривожланаётган дунёда, бутун ҳаёти давомида билим олишга одатланиш
<i>Коммуникатив компетенциянинг методологик компоненти</i>	Ўз компетенцияларини ўқитиш жараёнида қўллаш ва ушбу компетенцияларни ўз ўқувчиларида ривожлантириш

Ўқитувчиларнинг ёзма нутқи компетенциясини (ЁНК) такомиллаштириш мақсадида бакалавриат таълим йўналишининг «Reading and Writing» модули таҳлил қилинди ва камчиликлар қайд этилди ҳамда ЧТЁНни ривожлантиришга қаратилган мавзулар модулига киритилди.

Бироқ, баъзи ёзувга ўқитиш бўйича мавзулар модулга кирмади, чунки хатолар таҳлили (ХТ) натижасида аниқлаган мавзулар мавжуд бўлмаган, масалан: ёзувга ўрганишга алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлган wrong referencing (нисбий олмашлардаги хатолар), ноаниқ мазмун ва ноаниқ маъно. ЁНнинг услуби, жанри ва регистри алоҳида конструкциялар қўлланилишини тақозо этади. Ундан ташқари атиги тўрт нафар муаллифдан иборат бўлган дарсликлар рўйхати тўрт йил давом этадиган курс мобайнида такрорланади, бу эса модуль дастурини тузишда жиддий ёндашилмаганлик кўрсаткичи бўлиши мумкин.

ЧТЁН коммуникатив компетенцияларини ҳисобга олган ҳолда, амалий фаолият билан шуғулланувчи ўқитувчиларнинг малакасини ошириш (МО) бешта дастури таҳлил қилинди: расмий дастур, Британия Кенгаши томонидан тавсия этилган икки дастур ва Америка таълим Кенгашлари томонидан тавсия қилинган икки дастур. Таъкидлаш жоизки, халқаро дастурлар ўқитувчиларни тил билиш даражасига кўра A2 ва B2 даражаларга ажратиши ва уларга дифференциацияланган ўқув курсларини тавсия қилишига қарамасдан, ХТ орқали аниқлангандики, ушбу дастурларнинг

бирортасида ҳам ўқитувчиларнинг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқилмаганлигини кўрсатмоқда. Санаб ўтилган барча курслар ўз-ўзини такомиллаштириш компетенциясини ривожлантиришни инобатга олмаган (4-жадвалга қаранг).

4-жадвал.

**Мақтаб ўқитувчиларининг ЧТЁНни такомиллаштириш
ва ўз-ўзини такомиллаштириш**

		Расмий МО курслари	TESOL	TETE	Pathways to excellence	English for Teaching
Ёзма коммуникаив компетенция	Лингвистик компетенция		✓	✓	✓	✓
	Дискурсив компетенция		✓	✓	✓	✓
	Прагматик компетенция		✓		✓	✓
	Стратегик компетенция		✓		✓	
	Ижтимоий-маданий компетенция		✓			
	Коммуникатив компетенциянинг методик компоненти	✓	✓	✓	✓	✓
Ўз-ўзини такомиллаш-тириш компетенцияси						

Демак, автономия ва ўз-ўзини такомиллаштиришни назарда тутувчи ЧТЁНни такомиллаштириш методикасини ишлаб чиқиш ҳозиргача долзарб ва ечимини кутаётган масалалар қаторида турибди.

Хато атамаси ўқитиш жараёнининг зарур компоненти нуқтаи назаридан кўриб чиқилган, хатолар типологиясининг турли назариялари тадқиқ қилинди. Эмпирик таҳлил асосида амалга ошириладиган хатолар бирламчи таснифи ХТ жараёнида хатоларни кодлаш учун, шунингдек, аввал интеграциялашган типологияни, кейин эса ЧТЁНни коммуникатив компетенциясини инобатга олган ҳолда тузилган типология учун ҳам асос бўлиб хизмат қилди (5-жадвалга қаранг).

Хатолар категориялари таснифи


	Хатолар категорияси	Хатолар сони
1	Артиклар	38
2	Услуг ва регистр доирасида нотўғри ишлатилган сўз	32
3	Ноаниқ маъно (маъно)	26
4	Қисқартма	18
5	Феъл шакли	14
6	Пунктуация	13
7	Отнинг нотўғри шакли	10
8	Сўзлар тартиби	10
9	Тушириб қолдириш	9
10	Олмошлар (wrong referencing)	8
11	Предлоглар	6
12	Идиоматик эмас/нотўғри ифодаланган	5
13	Ортиқча сўз	4



2-расм. Ёзма нутқ компетенциясига нисбатан хатолар типологияси.

Ушбу методика асосини нафақат ЧТЁНни такомиллаштириш онлайн дидактик ресурслар, балки ҳам 2017 йилдаги ДТС, ҳам бутун ҳаёт давомида

глобал таълим стратегияси учун ҳал қилувчи бўлган ўз-ўзини ривожлантириш концепти ташкил этади (3-расмга қаранг).



3-расм. Онлайн ресурслар ёрдамида ёзма нутқ компетенциясини такомиллаштиришнинг автономграфик методикаси.

Методиканинг ўзига хослиги шундаки, у ёзма нутқ компетенциясини такомиллаштириш онлайн МО курсларида ҳам, реал вақт режимида ҳам амалга оширилиши мумкин, шунингдек, бошидан ўрганиш учун аморф таълимдан эмас, балки ЧТЁН коммуникантларининг талаб ва эҳтиёжларидан уларнинг ёзма матни, яъни эссе, яратишдаги хатоларини ўрганишдан келиб чиқади. ХТ ва ушбу аудиториянинг типологиясини яратиш ўқитишни энг самарали йўналишларга йўналтиради, шу билан бир вақтда коммуникантни мотивлаштиради ва ЧТЁНнинг самарали ривожланишини таъминлайди. Тестларни яратиш ва кейин коммуникантларни синовдан ўтказиш уларнинг ўқув жараёнида ривожланишини кузатиш имконини беради.

Назарий психоллингвистик тадқиқотлар натижасига кўра, бизнинг ЧТЁН коммуникантларимиз катта ёшли ўқувчилар эканлиги сабабли, видео контент ва ундан кейинги топшириқлар тизими орқали фаолиятни ташкил этиш коммуникантнинг икки каналли таълимини фаоллаштирадиган энг самарали воситадир. Grammarly, Write&Improve ва Corpus онлайн дидактик ўқитиш воситаларининг тезкор икки томонлама алоқа ўрнатиш қобилияти катта ёшдаги коммуникантларининг материални ўрганиш вақтини сезиларли даражада пасайтиради, шунингдек, илғор ўқувчилар хатоларни бартараф этиш учун индуктив ёндашув эмас, балки хатоларни тўғридан-тўғри кўрсатишни афзал кўришади. Онлайн ресурсларнинг ҳар бири ЧТЁНнинг

муайян муаммоли қирраларига таъсир қилади, бу эса уларнинг бирлигида таълимнинг максимал самарадорлигини таъминлайди.

Ўқитувчининг зарур компетенцияларидан бири бўлган ўз билимини ошириш ва ўз-ўзини такомиллаштириш коммуникантга ўз нутқининг муаммоли жиҳатларини ўзи аниқлаш, онлайн ресурсларга таяниб, ўқитувчилар учун тақдим этилган МООС курсларининг қайси бири унинг учун кераклигини ҳал қилиш имконини беради. Контентни узатиш манбаи бўлиб хизмат қилувчи ва мустаҳкамлаш машқлари билан мини-маърузалар шаклида амалга ошириладиган видеоматериаллар коммуникантнинг эътиборини жалб қилади, ёзма нутқдаги муайян компетенциясини такомиллаштиради ва уни синфда ўқувчилар билан ишлатиш учун манба билан таъминлайди. Автономия ривожлантирувчи машқлар эса ўқитувчининг ёзма нутқ компетенциясининг методологик компонентини такомиллаштиришга қаратилган.

Диссертациянинг «**Онлайн дидактик ресурслари ёрдамида ёзма нутқ компетенциясини такомиллаштириш методикасининг экспериментал тадқиқоти**» деб номланган учинчи бобида 8-та, яъни Андижон, Наманган, Фарғона, Сирдарё, Тошкент, Сурхондарё, Навоий вилоятлари ва Тошкент шаҳри ўқитувчиларнинг малакасини ошириш институтларида олиб борилган тажриба-синов ишлари тавсифланган. Тажриба-синовнинг мақсади «ЁНКни такомиллаштиришнинг автономографик методикаси» самарадорлигини текширишдан иборат бўлди. Тажриба-синов куйидаги босқичларда ўтказилди:

1. Тайёргарлик босқичи. Адабиётларни ўрганиш ва сўровнома саволларини тузиш.

2. Диагностика қилиш ва прогнозлаш босқичи. Сўровнома ўтказиш. Мактаб инглиз тили ўқитувчиларининг сўровнома саволларига жавоблари таҳлили.

3. Тажриба синовидан аввал ва кейин ўтказиладиган тестлар саволларини тузиш.

4. Назорат гуруҳи (НГ) ва тажриба гуруҳи (ТГ)ларида тажрибадан аввалги тестларни ўтказиш.

5. Мактаб ўқитувчиларининг ёзма нутқини такомиллаштиришнинг таклиф қилинган усули апробацияси.

6. ТГ ва НГлари учун апробациядан кейинги тестни ўтказиш.


7. Тажрибадан аввал ва кейин ўтказилган тестлар таҳлили.

Назария манбалари, ЧТЁН такомиллаштиришнинг устувор тамойиллари ва уларни ривожлантириш усулларини ўрганишдан сўнг, барча сўров воситалари, тест ва контентни узатиш усуллари онлайн тренинг ва тажриба учун мослаштирилди. Google платформасида яратилган саволлар талаб қилинадиган ёзув турларини, ёзиш жараёнида коммуникантлар дуч келадиган қийинчиликлар ва МО курслари дастурида ЧТЁН ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича модуль мавжудлигини аниқлашга қаратилган эди.

634 нафар инглиз тили ўқитувчилари иштирок этган сўровнома тажрибанинг шаффофлиги учун рус ва ўзбек тилларида ўтказилиб, интернетдан ресурс сифатида қандай фойдаланиши, ЧТЁН компетенциясига қанчалик муҳтожлиги ва ЧТЁНдан фойдаланиш ҳамда ўқитишда қийинчиликларга дуч келиш-келмаслиги каби саволларга жавоб қидирилди. Сўровда иштирок этган ўқитувчиларнинг 30 фоизи ЧТЁН компетенциясини ўқитишда қийналишдилар ва кўмак олишни истадилар, фақат 12 фоиз ўқитувчилар эса вокабулярга ўргатишни амалга оширишда қийинчиликларга дуч келдилар. Бунинг сабаби шундаки, ўқитувчининг ўзи яхши билмаган материал ва кўникмани ўқувчиларга тақдим этиши жуда қийин кечади. Мактаб ўқитувчилари қаердан ёрдам олиши мумкинлиги ҳақидаги саволга уларнинг аксарияти «интернетдан» деган жавобни беришди ва бу онлайн ресурслар ЧТЁНни такомиллаштириш учун энг самарали восита бўлиши мумкинлиги ҳақидаги фаразимишни тасдиқлайди. Мавзулар тақсимотига кўра грамматикага етарлича вақт ажратилган бўлса-да, кўпчилик ўқитувчилар ёзув ва ёзма нутқни ривожлантиришга кам эътибор беришади. Шундан келиб тахмин қилиш мумкинки, грамматика контекстда, коммуникативликда эмас, балки алоҳида гапларда, алоҳида йўсинда ўқитилади.


